

Рұхий қүрқувни енгиш

28 январь куни 1-ТТЖда институт психологи М. Мухамедова ЕРБ факультети 1-курс талаба йигитлари билан “Психологик қүрқувни енгиш” мазусида тренинг машғулот үтказди. Бу мавзуда тренинг үтказиш ва тренер - бошловчи бўлиш таклифини 1-курс талабаси З. Юлдашев берди. Талабаларнинг фаоллигини ошириш мақсадида талабанинг таклифи инобатга олиниб дастур тайёрлаб, тренинг үтказилди. Ҳар доимгидек “Аввал салом баъдаз калом” деганларидек, иштирокчилар тренинг дастурини “Ўргимчак тўри” ўйини ёрдамида саломлашиб, ўз исмлари ва исмларига қўшиб ёқимли тахлус қўшиб айтиш орқали танишиб олишди. Бунда тренер ип - тўпчани бир учини қўлига олиб ўз исми ва атрофлагилар уни қандай тахаллус билан чақиришларини истаса, ўша номни қўшиб, тўпчани қаршисидаги иштирокчига отади. Ўйин шу тахлит давом этади ва натижада ўргимчак тўри ҳосил бўлади. Иштирокчиларда жамоа бўлиб ишлаш, бир - бирларини қўллаб - қуватлаш кўникмасини ошириш мақсадида ўргимчак тўри устига бир нечта шар ташлаб, ерга тушириб юбормай, юқорига отиб ўйнаш кўрсатмаси берилди. Барча иштирокчилар бу ўйинда фаол қатнашишибди ва кайфиятлари кўтарилди. Кейинги тренинг машғулот “Қаерда ўзимни хотиржам сезсан, мен ўша ердаман” деб номланади. Бунда иштирокчилар 3-4 дақиқа давомида кўзларини юмиб, Румий ҳазратлари “Кўзни юмгил кўзга айлансин кўнгил” деганларидек, кўнгилни кўзга айлантириб, хаёлот оламларига сайр қилишди.



Бу релаксацион тренинг жисмоний ва ақлий зўриқишилардан халос этиб, ижобий ҳиссиётларни кучайтиришга мўлжалланган. Сўнгра “Қуёш” тренинг машғулоти үтказилди. Бу тренинг орқали иштирокчиларда ўзларига бўлган ишончни ва ўз қадр-қимматларини ошириш мақсад қилинган. Ҳар бир иштирокчига қуёшли смайликчалар тарқатилди. Иштирокчилар қуёш нурларига ўз характерларидаги ижобий хусусиятларини ёзишибди ва ўқиб беришибди. Барча иштирокчилар ўз ёзганларини ўқиб бўлишгач, муҳокама қилинди. Тренинг сўнгидаги барча иштирокчилардан мини сўровнома олиб, тренинг ҳақидаги фикрлари тинглаб ўтилди. Айниқса ЕРБ факультет ёшлар билан ишлаш декан ўринбосари Ҳ. Эшова ва институт психологи М. Мухамедовалар талабалар қаторида тренингда иштирок этишгани талабаларда жуда маъқул келди. Тренингда тренерлик қилган З. Юлдашевда ҳам ўзига нисбатан ишонч ва оммавий давраларга чиққанда ҳаяжонни бошқариш кўникмаси ҳосил бўлди. Бундан кейинги тренингда ЕРБ факультети 1-курс талабаси О. Умаралиев тренерлик қилиш таклифини билдириди. Тадбир қизғин тарзда ниҳоясига етди.

ТИҚҲММИ матбуот хизмати